

## **Академик Мирзиёд Мирсаидов Қашқадарё вилоятига юштирган сафари**

Академик Мирзиёд Мирсаидов 27 апрель 2018 йилда Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида жойлашган Сайдо Насафий номидаги «Ахборот кутубхона марказида-(АКМ)» Қарши давлат университети, Тошкент ахборот технологиялар университети қарши филиалининг иқтидорли талабалари, қарши агробизнес коллежи ва Қарши шаҳар халқ таълимига қарашли 5, 10, 41 -сонли мактабларнинг иқтидорли ўқувчилари ҳамда фаол ёш ўқитувчилар билан учрашув ўтказди.

Ушбу учрашув Қарши шаҳрида жойлашган Сайдо Насафий номидаги вилоят «Ахборот кутубхона маркази»нинг катта залида ўтказилди. Бу учрашувда Қарши давлат университети, Тошкент ахборот технологиялар университети Қарши филиалининг иқтидорли талабалари ва Қарши шаҳар Агробизнес коллежи ва Қарши шаҳар халқ таълимига қарашли 5, 10, 41 сонли мактабларнинг иқтидорли ўқувчилари қатнашишди. Шу билан бирга учрашувда фаол ёш ўқитувчилар ва юқорида номлари келтирилган таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари - А.Абдуллаев, Г.Тошева, Г.Хайитова, Ш.Тошпулатов, Э. Хасanova, М.Назирова, X.Равшанов, З. Нормуродова, М.Мусурмонова, А.Лутфуллаев, Э.Нормуродова, К.Султонов, Ф.Рахматов ва бошқалар қатнашишди.

